

Туркияда 75 минг киши бошланғич ислом таълимотини олишади



17:02 / 29.06.2019 1359

Туркиянинг Диёр бакир шаҳрида оммавий Қуръонни ўргатиш курслари бошланмоқда. Бу ҳақда islam.ru сайти хабар беради.

Режага кўра, ёз фасли давомида 75 минг киши курсни тамомлаши кўзда тутилмоқда.

Yeni Safak маълумотига кўра, бундай шарт-шароитлар Туркия Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ташкил этилиб, ушбу курсларда таълим олувчиларнинг ёши чегараланмаган. Бу ерда Қуръон мухлислари тажвид илмини ўрганишади ва дарслар нафақат масжидда балки тайёрлов ўқув марказларида ҳам бўлиб ўтади. Қўмитанинг мониторинги бўйича ҳозирги кунда 64 минг киши таълим олмоқда ва уларнинг сони 75 мингдан ортиши кутилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти